

Муаммо ўзбек мумтоз адабиётидаги лирик жанрлардан бири. У поэтик ўйин тарзида битилган бир (баъзан икки) байтли шеър бўлиб, унда бирор сўз, кўпинча, атоқди отнинг харфлари яширинган ва шунга ишора қилинган бўлади, «яширин» сўз шоирнинг турли-туман ишоралари (маънодош ёки шаклдош сўзларни топиб олиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги муқолибини қўллаш, сўзлардаги маълум харфларни тизиб янги сўз яшаш, абжад ҳисобини ишлатиб, ракамлар ёрдамида сўз тузиш ва бошқалар) орқали топилади.

Шоирлар муаммо усулидан бошқа жанрдаги асар-ларида ҳам фойдаланганлар.

Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида Фарход номини муаммо йули билан изохлаш орқали қахрамоннинг сифатлари ва ҳаёт йўлига ишора қилинади:

Жамолидин кўрингач фарри шохи,
Бу фардин ёруди мах то бамохи.
Кўюб юз химмату икболу, давлат,
Хам ул фар соясидин топти зийнат...
Анга фарзона Фарход исм кўйди.
Хуруфи маъҳазин беш қисм кўйди.
Фироку, рашку, хажру ох ила дард
Бирор харф ибтидодин айлабон фард.

Бу парчада Фарход сўзига икки хил изоҳ берилган: биринчидан, «Фарход» сўзи «фарри шохи» («шоҳлик нури»)дан «фар»ни, «химмат», «икбол» ва «давлат» сўзларининг араб ёзувидаги биринчи харфини олиб, кетма-кет ёзишдан ҳосил бўлган; иккинчидан, «Фарход» сўзи «фироқ», «рашк», «ох» ва «дард» сўзларининг биринчи харфлари араб ёзуви орқали кетма-кет жойлаштирилишидан келиб чиқади.

Мисоллардан муаммонинг жуда мураккаб жанр эканлиги аён бўлади. Муаммо битиш ва муаммо ечиш этрофлича билимни, ҳозиржавоблик ва узок машқ Қилишни талаб этар эди. Жомий ва Навоий каби буюк Шоирлар ҳам бу жанр билан шугулланиб, шуҳрат қозонган эдилар. Муаммо ҳақида Бодий Табризий, Шарафиддин Али Яздий, Жомий, Навоий ва бошқалар махсус рисолалар ёзган эди.

Муайян сўзни харфлар воситасида юзага чиқариш ўзбек мумтоз лирикасидаги мувашшах жанрига ҳам ҳосдир. Мувашшаҳда қандайдир сўз, кўпинча қишлоқ номи, байтлар ёки мисраларнинг биринчи харфларини кетма-кет ёзиш орқали келтириб чиқарилади. Фақат мумтоз адабиётдагина эмас, балки ХХ аср ўзбек адабиётида ҳам мувашшах намуналари мавжуд. Шоир Уйғуннинг «Қилма» радиқли шеъри замонавий мувашшах намунасидир.

Тарк этма назокатни, хулқингга жафо қилма,
Иззатни бериб елга, беҳуда сафо қилма.

Умрингни хароб этма ўткучи хавас бирлан,
Ишк, бошка, хавас бошка-бу йўлда хато килма.
Рухсори гўзалларга одобу илм лозим,
Инсоний камолотни хуснингга бино килма.
Сен нози мухаббатсан, гулшанда гули раъно,
Ишкингни кўча-кўйда юргучи гадо килма.
Уйгонди чаманларда, чок этди яко булбул,
Куйдирма у шайдони, бас энди наво килма.
Ноз этма, садокатлик ошикка тараххум кил,
Кўнглига гараз тўлган номардга имо килма.
Одоби гўзалларнинг санъатда топар раванк,
Санъатга хилоф ишни рухингга гизо килма.
Ёд айла гахи, Уйгун исмингни баён этди,
Шеърига килиб маржон, сен унга жафо килма.

Бу шеърдаги байтларнинг биринчи товушлари кетма-кет тузилса, «Турсуной» сўзи келиб чикади. Мазкур мисолдан аён бўладики, мувашшах жанрида ҳам мухим фикрларни, ахлокий-таълимий гояларни, кимгадир бўлган эхтиром ва хурматни ифодалаш мумкин. Муаммо ва мувашшахга ўзбек мумтоз адабиётидаги чистон жанри маълум даражада якин туради. Агар муаммода бирон сўз байтдаги муайян харфлардан келтириб чиқарилса, чистонда худди халк топишмоқларидаги каби кандайдир нарса хақидаги тасаввур асар маз-муни тахлили, тавсифи оркали ифодаланади. Чистонда нарса номи аник айтилмасдан, мохияти, айтим хусусиятлари образли тарзда кўрсатилиб, у ҳақда тасаввур тугдирилади. Масалан, Огахийнинг куйидаги чистонини ўқигандан кейин китобхон кўз ўнгида беихтиёр танга гавдаланади:

Ул на дилбарким, тани сиймин ўлуб,
Бадр янглиг сурату сиймосидур.
Хат битуб икки юзида сарбасар,
Зийнат афзой рухи зебосидур.
Жуссаи тирног юзи янглиг кичик,
Лек улуглар ишкнинг расвосидур.
Васлини истаб жахон бозорида,
Олам ахли бошида савдосидур.
Хам факиру, хам гани девонаси,
Хам карию, хам йигит шайдосидур.
Топса хар адно висолин ногахон,
Эътибор ичра улус аълосидур.
Етса хар аълога гар хажри онинг,
Жумла адно халкнинг адносидур.
Топмаса гар илтифотин хар киши,
Хордур гарчи жахон доносидур.

Бу мисолдан аён бўладики, йирик шоирлар чистон жанрида ҳам ўз даврларидаги ҳаётнинг муҳим ижтимоий масалаларини, зиддиятларини, иллатларини акс эттиришга ва кишилар эътиборини уларга жалб этишга интиланганлар. Худди шундай интилишни Увайсийнинг анос ҳақида тасаввур берувчи чистонида ҳам кўриш мумкин.

Бу шеърда турли воситалар ёрдамида анос ҳақида тушунча берилиши билан бир каторда шоира яшаган даврдаги аёлларнинг оғир ва ночор аҳолига ишора ҳам сезилади.

Баъзилар Оврўпа модернизмидаги фикрни «яшириб» ифодалаш шеърятимизга кириб келди, дейди. Афсуски бу ҳол поэзиямизда илгаридан мавжуд бўлган. (Шеърда фикр қанча яширилса, шунча яхши, деган қарашлар ҳам йўқ эмас.) Мунаққидлар айрим байтларнинг мазмунини айтиб беролмай минг йиллаб баҳслашишган, ваҳоланки бундай шеър қарийб қераксиздир.